

МАҲСУЛДОР ЮҚОРИ БЎЛГАН СИГИРЛАРДА УЧРАЙДИГАН ЙИРИНГЛИ ПОДОДЕРМАТИТ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШДА САМАРАЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ

Б.З.Мухторов v.f.f.d (PhD)

*Samarqand davlat veterinariya meditsinasi,
chovachilik va biotexnologiyalar universiteti.*

Аннотация. *Хориждан олиб келинган сигирларнинг аксариятида йирингли пододерматит касаллигининг учраш даражаси юқори эканлиги, касалликни даволаш ва олдини олишда анъанавий усуллар билан биргаликда самарали дори воситаларини қўлаганда даволаш самараси юқори бўлганлиги аниқланган.*

Калит сўзлар: *маҳсулдор сигирлар, туёқ бўғими, йирингли пододерматит, иқтисодий зарар, тажриба, клиник курик, патологик ўчоқ, биостимулятор, анъанавий усул, даволаш.*

Кириш. Бугунги кунда хориждан келтирилган маҳсулдорлиги юқори бўлган сигирларда туёқ соҳаси патологиясининг кўп учраши кузатилиб, бунинг оқибатида ҳайвонлар маҳсулдорлигини кескин пасайиб кетиши хўжаликнинг катта иқтисодий зарар кўришига олиб келмоқда.

Хориж адабиётларида таъкидланишича, маҳсулдорлиги юқори бўлган сигирларда кейинги 30 йил ичида оёқларнинг дистал қисми касалликлари асосий муаммоларидан бири бўлиб, оқибатда касалланган сигирларнинг 50 % муддатидан олдин сўйилмоқда ва бу хўжаликлар учун катта иқтисодий зарар келтирмоқда.

Маҳсулдорлиги юқори бўлган ҳайвонларда туёқ бўғимларининг шикастланиши жами оёқ касалликларининг 50-60 % ни ёки жарроҳлик патологиясининг 14-17 % ни ташкил этади (А.Ф.Бурденюк, Г.С.Кузнецов, 1976). Кейинги йилларда оёқ касалликлари оқибатида муддатидан олдин ҳисобдан чиқариладиган сигирлар 4-15,3 % ни ташкил этмоқда (Улимбашев М. Б., 2007). Россия ва бошқа хориж мамлакатларида йирик шохли ҳайвонларда оёқ касалликларининг анча кўпайганлиги қайд этилмоқда.

Кейинги 10-15 йил ичида Жанубий Урал, Россиянинг Челябинск, Курган вилоятлари, Қозоғистоннинг Кустанай вилояти ферма ва комплексларида сигир сонининг камайишига қарамасдан, туёқ шикастланиши 20-50 % га ошганлиги қайд қилинди (В.А.Молоканов и др., 2001).

И.С.Панько, В.А.Лукьяновлар (2003) маълумотига кўра, ҳар учта сигирдан биттаси туёқ деформацияси ёки оқсаш оқибатида ҳисобдан чиқарилади. Туёқ

деформацияси ва унинг касаллиги оқибатида ҳар кунлик сут 3,3-4,5 кг камаяди ва ҳайвонларнинг умумий аҳволи ёмонлашади.

Хориждан келтирилган сигирларда учрайдиган йирингли пододерматит касаллиги бизнинг минтақамизда ҳам кенг учрасада, касалликни даволаш ва олдини олишда самарали дори воситаларини қўллаш ҳамда юқори натижаларга эришиш муҳим илмий амалий аҳамиятга эга.

Материаллар ва методлар. Илмий изланишларимиз Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги “Сиёб Шавкат Орзу” ҳамда Жомбой туманидаги “Pure Milky Products” кўп тармоқли фермер хўжаликларида олиб борилди. Хўжаликлардан тирик вазни 400-450 кг бўлган 3-4 ёшли голштен фриз зотли сигирларнинг йирингли пододерматит билан касалланган 10 бош касал ҳайвон ажратилиб, касалланган сигирларнинг барчаси умумий ва махсус усуллар орқали текширилди.

Тажриба учун йирингли пододерматит билан касалланган 450-500 килограмм тирик вазнга эга бўлган 10 бош маҳсулдорлиги юқори бўлган сигирлар танлаб олиниб 2 гуруҳга ажратилди.

Тажрибагача ва тажриба давомида ҳайвонлар клиник кўрикдан ўтказилиб турилди. Тажрибадаги маҳсулдорлиги юқори бўлган сигирларнинг туёқ ва бўғим атрофида кечаётган яллиғланиш жараёнларига, анамнез маълумотлари, йирингли пододерматит касалликларини умумий ва махсус текшириш усулларига таянган ҳолда ҳамда туёқ териси асосидаги йирингли ўчоқларда кечаётган патологик ҳолатлар, бўғимлардаги экссудатларни йиғилишига қараб ташхис қўйилди.

Олинган ҳар бир гуруҳ ҳайвонлари 5 бошдан ажратилиб ҳар бир гуруҳ ҳайвонларига анъанавий усулда, яъни илиқ сувда 1:1000 калий перманганат эритмасида ювилиб туёқ ва бўғимлардаги йирингсиз ва йирингли экссудатлар тозаланиб, стрептомицин кукуни, синтомицин мазлар қўлланилиб стерилланган бинт билан боғлаб қўйилди. Қўшимча равишда юқори самарали дори воситаларидан фойдаланилиб, ноанъанавий даволаш усули қўлланилди. Иккала гуруҳ ҳайвонларидан тажрибагача қон намунаси олиниб гематологик кўрсаткичлари текшириб борилди.

Биринчи тажриба гуруҳи ҳайвонларига анъанавий усулга стрептомицин кукуни синтомицин мазига аралаштирилиб қўлланилди. Қўшимча равишда ноанъанавий усул сифатида Белоруссиядан келтирилган линкоспект -150 антиотиғи бир кунда бир маротаба 450-500 кг оғирликка 10 мл дан 7 кун давомида мускул орасига инъекция қилинди ва биостимулловчи дори воситаси – бутазол-100 дан 20 мл вена қон томирига кун ора бир маротабадан 3 марта юборилди.

Иккинчи гуруҳ ҳайвонларига анъанавий усулга окситетрациклин мази қўлланилди ҳамда окситетрациклин-100 антиотиғи 450-500 кг оғирликка 20 мл дан 7 кун давомида бир маротабадан мускул орасига инъекция қилинди. Бундан ташқари, бутазол-100 дан 20 мл вена қон томирига кун ора бир маротабадан 3 марта юборилди.

Тадқиқотлар мобайнида ҳайвонлар клиник текширувдан ўтказилиб турилди. Ҳар иккала гуруҳ ҳайвонларида ҳам касалланган туёқ ва бўғимларига ишлов берилиб боғлаб қуруқ жойда ажратилган ҳолда сақланди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Тадқиқотлар натижасига кўра, биринчи гуруҳ ҳайвонлари даволашнинг 4 - кунда клиник текширилганда туёқлардаги жароҳатлар битаётганлиги, лекин бўғимлардаги экссудатлар бўлмасда, шишлар тўлиқ қайтмаганлиги кузатилди.

Иккинчи гуруҳ ҳайвонлари даволашнинг 4-кунда клиник текширилганда, туёқлардаги жароҳатлар битиши яхши, лекин бўғимлардаги экссудат борлиги, маҳаллий ҳарорат сақланиб қолганлиги ҳамда ҳайвон ётиб туришда оғриқ борлиги, бўғимлар босиб кўрилганда йирингли экссудат қисман ажратилганлиги кузатилди.

Тажрибадаги биринчи гуруҳ ҳайвонлари тажрибанинг 7- кунда клиник текширилганда, туёқ ва бўғимлардаги жароҳатларнинг битганлиги, маҳаллий ҳарорат йўқлиги ҳамда бўғимларда шишлар бироз сақланиб қолганлиги кузатилди.

Тажрибадаги 2-гуруҳ ҳайвонлар 7-куни клиник текширилганда, туёқларидаги жароҳатлар қисман борлиги, лекин бўғимлардаги экссудат ҳисобига шишлар сақланиб қолинганлиги кузатилди.

Тажрибанинг 10-кунда биринчи гуруҳ, яъни стрептомицин кукуни ва синтомицин мази аралаштирилиб қўлланилган ҳайвонларга қўшимча равишда Белоруссиядан келтирилган Линкоспект -150 антиотиғидан 10 мл дан мускул орасига ҳамда бутазол-100 препаратидан вена қон томирига 20 мл дан юборилган ҳайвонларнинг туёқ бўғимларидаги ижобий ўзгаришлар яққол намоён бўлди.

Тажрибанинг 10-кунда иккинчи гуруҳ, яъни анаънавий усулларга қўшимча равишда окситетрациклин-100 антиотиғи 20 мл дан мускул орасига ҳамда бутазол-100 дан 20 мл вена қон томирига кун ора бир маротабадан 3 марта қўлланилган ҳайвонлар текширилганда, туёқдаги жароҳатлар яхшиланганлиги, лекин бўғимлардаги шишлар тўлиқ қайтмаганлиги ҳамда оғриқ сақланиб турганлиги кузатилди. Иккинчи гуруҳ ҳайвонлари тажрибанинг 13-кунда тўлиқ соғайганлиги кузатилди.

Хулоса. Йирингли пододерматит касаллигига чалинган маҳсулдор сигирларни даволашда стрептомицин кукуни ва синтомицин мази аралаштирилиб, қўшимча равишда Линкоспект -150 антиотиғидан 10 мл дан

мускул орасига ҳамда бутазол-100 препаратидан вена қон томирига 20 мл дан қўлланилганда юқори самара бериши, яъни даволаш муддатини қисқариши аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Веремей Э.И., Журба В.А. и др. // Ветеринарный консультант, 2003. -№ 16. – С.10-11.
2. Давлатов Н.Ш., Ниязов Х.Б. ва бошқ. Соғин сигирларда кенг тарқалган асептик бўғим касаллигини даволашнинг самарадор усуллари //Қишлоқ хўжалигида бозор ислохотларини кескин чуқурлаштириш муаммолари – Самарқанд, 1998.- С.74-83.
3. Молоканов В.А. Прогнозирование и профилактика болезней копытцев у коров (Текст) / В.А.Молоканов, В.М.Щеглов, М.Т.Байкенов // Ветеринария, 2001. -№7.-С.38-40.
4. Akhmedov, S., Kuliyeu, B., Normuradova, Z., Babanazarov, E., & Raxmanova, G. (2025). Epizootology of sheep paramphistomatosis in the conditions of the Samarkand region of the republic of Uzbekistan. In BIO Web of Conferences (Vol. 181, p. 01035). EDP Sciences.
5. Axmedov, S. M., Daminov, A. S., & Kuliyeu, B. A. Paramfistomatozda qo ‘ylar ichki organlaridagi patanatomik va patogistologik o ‘zgarishlar. International Journal of Agrobiotechnology and Veterinary Medicine.
6. Bakhodirovich, Y. J., & Bobokulovich, D. N. (2022). Treatment and prevention of transmissive veneric sarcoma in dogs. *Eurasian Medical Research Periodical*, 7, 81-85.
7. Choriyeu, O., Dilmurodov, N., Babanazarov, E., Karimov, M., Mukhtarov, B., Rahmanov, O. T., & Yakhshiyeva, S. (2024). Morphological characteristics of skin thickness in postnatal ontogenesis of karabayir horses. In *BIO Web of Conferences* (Vol. 126, p. 01008). EDP Sciences.
8. Dilmurodov, N. (2010). The Developmental Peculiarities of Tubular Bones of Autopodies of Sheep at Postnatal Ontogenesis in Dependence on Habitat Conditions. *新疆农业大学学报*, 6.
9. Dilmurodov, N. B., Mirzoyev, Z. R., & Normuradova, Z. F. FLANDER ZOTLI QUYONLAR SON SUYAGINING TURLI FIZIOLOGIK BOSQICHLARIDAGI MORFOGENEZI. *UXeXc [Sc [re [TT [üe [US jacUSj [^[Tq^^ XeX*, 64.
10. Dilmurodov, N., & Najmiddinov, K. (2024). Postnatal Morphogenesis of Voluntary Motor Organs in Chickens. *Miasto Przyszłości*, 54, 115-120.
11. Dilmurodov, N., Doniyorov, S., Mukhtarov, E., Khudaynazarova, N., Mirzoyev, Z., Normuradova, Z., & Eshmatov, G. (2024). Postnatal morphogenesis of some

- histological parameters of the femur of broiler chickens taking probiotic. In *BIO Web of Conferences* (Vol. 126, p. 01010). EDP Sciences.
12. Djumanov, S. M., Karimov, M. G., & Raxmonov, L. (2023). KATARAL-YIRINGLI MASTITLARNI DAVOLASH VA OLDINI OLISHNI TAKOMILLASHTIRISH. *Scientific Impulse*, 1(9), 1856-1860.
 13. Doniyorov, S. Z., Dilmurodov, N. B., & Choriyeu, O. N. (2022). Changes in the Amount of Calcium and Phosphorus in the Composition of the Femur Bone of Broiler Chickens in Postnatal Ontogenesis. *International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology*, 21-25.
 14. Ilxomovich, Z. P. L., & Babakulovich, D. N. (2024). Morphofunction aspects of the digestive organs of the anterior compartment of chickens. *Web of Agriculture: Journal of Agriculture and Biological Sciences*, 2(3), 40-44.
 15. Kuliyeu, B., Eshmatov, G., Bobonazarov, E., Mukhtarov, B., & Akhmedov, S. (2024). Pathomorphological changes in sheep paramphistomatosis. In *BIO Web of Conferences* (Vol. 95, p. 01042). EDP Sciences.
 16. Mukhitdinovich, A. S. (2023). Clinical signs of sheep paramphistomatosis. *American Journal of Pedagogical and Educational Research*, 12, 47-50.
 17. Mukhitdinovich, A. S. (2023). Morphofunction changes in sheep paramphistomatosis. *Conferencea*, 31-34.
 18. MUKHTAROV, B. Z., & DILMURODOV, N. B. Some Biochemical Indicators of Blood in Prosperous Cows in Pure Pododermatitis. *JournalNX*, 6(06), 58-62.
 19. Mukhtarov, E. A., Bobokulovich, D. N., & Ishkuvvatovich, B. E. (2022). Dynamics of some indicators of sheep blood. *Journal of new century innovations*, 17(2), 36-42.
 20. Mukhtarov, B. Z., & Dilmurodov, N. B. (2021). Pathomorphological changes in poultry pododermatitis in cows. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(4), 1679-1683.
 21. Muzafar, Y., & Elmurod, M. (2022). Some Hematological Indications in Fertile Cows. *Central Asian Journal of Theoretical and Applied Science*, 3(4), 107-110.
 22. Normuradova, R. Z., Dadabaeva, M. U., & Niazov, M. K. Z. (2018). Dynamics of change of indicators of firmness of capillaries of the mucous membrane of the prosthetic bed at patients with diabetes. In *international scientific review of the problems and prospects of modern science and education* (pp. 144-147).
 23. Normuradova, Z. F., & Arzikulova, S. M. (2022). Quyoning biologik xususiyatlari. In *E Conference Zone* (pp. 44-47).
 24. Rahmonov, O. A., Khudoynazarova, N. E., Karimov, M. G., & Ibragimov, B. H. (2022). Morphofunctional Properties of the Adrenal Glands of Rabbits. *Jundishapur Journal of Microbiology Research Article Published online*, 7245-7251.

25. Rakhmanova, G., Dilmurodov, N., Fedotov, D., Normuradova, Z., & Mukhtarov, E. (2023). Features of changes in morphometric indicators of ovaries of laying hens during postnatal ontogenesis. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 463, p. 01007). EDP Sciences.
26. Rakhmanova, G., Dilmurodov, N., Normuradova, Z., Mukhtarov, E., & Yakhshiyeva, S. (2024). Dynamics of changes in morpho-histological parameters of the ovary of the egg-bearing hens in postnatal ontogenesis. In *BIO Web of Conferences* (Vol. 95, p. 01041). EDP Sciences.
27. Raxmanova, G. S., Dilmurodov, N. B., Normuradova, Z. F., & Yaxshiyeva, S. X. (2025). Tuxum yo 'nalishidagi tovuqlar postnatal ontogenezida tuxum yo 'li voronka va oqsilli qismining mikroanatomik ko 'rsatkichlari. *Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti axborotnomasi*, 15-19.
28. Shuxratovna, R. G., Babakulovich, D. N., & Nikolayevich, F. D. (2022). Anatomical Structure of Reproductive Organs of Chickens in the Egg Direction. *Middle European Scientific Bulletin*, 24, 240-243.
29. Turdiev, A., Yunusov, K., Bakirov, B., & Rakhmonov, U. (2025). Scientific foundations of protecting rabbits from the impact of ecological factors. *Shokh library*, 1(10).
30. Turdiev, A., Yunusov, K., Bakirov, B., & Rakhmonov, U. (2025). The impact of eliminating environmental factors, creating optimal zoohygienic parameters, providing nutritious feeding, and implementing preventive measures against diseases on the veterinary-sanitary quality of rabbit meat. *Shokh library*, 1(10).
31. Tursagatov, J. M., & Dilmurodov, N. B. (2023). Influence of the Conditions Regions on the Linear Parameters Forearm-Elbow Bones of Karakul Sheep. *European Journal of Veterinary Medicine*, 3(6), 8-11.
32. Tursagatov, J., & Dilmurodov, N. (2024). Characteristics of changes in postnatal ontogenesis of the compact substance thickness of the stylopod bones of coral sheep. In *BIO Web of Conferences* (Vol. 95, p. 01012). EDP Sciences.
33. ULOMOVICH, M. E. A., & BABAKULOVICH, D. N. (2020). Morphogenesis Of The Hind Leg Distal Muscles Of Hissar Sheep Of Different Breeds In Different Ecological Conditions. *JournalNX*, 6(06), 25-29.
34. Yakhshieva, S. X., & Ulasheva, L. (2022). Postnatal Morphogenesis of Ross-308 Cross Broiler Chicken Muscle Stomach. *European Journal of Research Development and Sustainability*, 3(4), 93-94.
35. Yakhshieva, S. X., & Ulasheva, L. (2022). Postnatal Morphogenesis of Ross-308 Cross Broiler Chicken Muscle Stomach. *European Journal of Research Development and Sustainability*, 3(4), 93-94.

36. Yaxshiyeva, S. X. Morphogenesis Of Broyler Chicken Liver (Literature Analysis). *European Journal of Research Development and Sustainability*, 3(4), 91-92.
37. Yaxshiyeva, S. X., & M I, E. (2023). Ross-308 krossiga mansub broyler jo 'jalar muskulli oshqozonning postnatal ontogenezi.
38. Yunusov, H. B., Dilmurodov, N. B., Kuliev, B. A., & Akhmedov, S. M. (2021). The Role Of Coccal Microflora In The Etiology And Pathogenesis Of Respiratory Diseases In Lambs Of The Karakul Breed Of Uzbekistan. *Int. J. of Aquatic Science*, 12(3), 1923-1928.
39. Yunusov, K., Eshmatov, S., Kuliyeu, B., Taylakov, T., Achilov, O., & Akhmedov, S. (2024). Pathomorphological changes in monieziosis of goats. In *BIO Web of Conferences* (Vol. 126, p. 01012). EDP Sciences.
40. Yunusov, X. B., Dilmurodov, N. B., & Beknazarov, S. S. (2024). Bir kunlik quyonlarda buyrak usti bezining anatomo-morfologik ko 'rsatkichlari.
41. Yunusov, X. B., Dilmurodov, N. B., Mirzoyev, Z. R., & Raxmonov, R. A. (2025). Go 'Sht Yo 'Nalishidagi Quyonlar Postnatal Ontogenezida Yelka Suyagining Morfometrik Xususiyatlari. *Miasto Przyszłości*, 58, 199-209.
42. Zarpullaev, P. L., & Dilmurodov, N. (2024). Dynamics of change in the morphometric indicator of the muscularstomach in postnatal ontogenesis of chickens. *Web of Agriculture: Journal of Agriculture and Biological Sciences*, 2(12), 46-50.
43. Дилмуродов, Н. Б. (2009). Влияние экологических условий на онтогенез кости метаподий у овец. *Ветеринария*, (4), 42-43.
44. Дилмуродов, Н. Б., & Дониёров, Ш. (2019). Влияние экологических условий на динамику изменения влаги в составе костей метаподий в постнатальном онтогенезе.
45. Дилмуродов, Н. Б., Дониёров, Ш. З., & Чориев, О. Н. (2022). Бройлер жўжалар елка суяги таркибидаги кул ва умумий органик моддалар микдорини постнатал онтогенезда ўзгариши. *Вестник Ветеринарии и Животноводства*, 2(1).
46. Дилмуродов, Н., & Худойназарова, Н. (2019). Закономерности изменения суставного и метаэпифизарного хряща костей акроподий в постнатальном онтогенезе.
47. Каримов, М. Г., Батыров, Р. М., & Халилулаев, Г. М. (1999). Использование преобразования Хартли в лазерной томографии. *Известия Академии Наук, серия физическая*, 63(6), 1117-1124.
48. Кулиев, Б. А., Ахмедов, С. М., & Зайниддинов, Б. Х. (2019). Лечение т-активином ягнят каракульской породы, больных пневмонией.

- 49.Кулиев, Б. А., Рахманова, Г. Ш., Абдурахмонова, П. У., & Ахмедов, С. М. (2019). К вопросу патоморфологии пневмонии каракульских ягнят.
- 50.Мухторов, Э. А. (2020). Действие условия содержания на морфологические показатели мускулатуры конечности постнатального онтогенеза у гиссарской породы овец. *In современное состояние, традиции и инновационные технологии в развитии аяк* (pp. 137-140).
- 51.Нурмухамедов, Б. М., Дилмуродов, Н. Б., Эшбуриев, С. Б., & Эшматов, Г. Х. (2019). Морфофункциональные изменения в яичниках коз под влиянием гонадотропных препаратов.
- 52.Рахманова, Г. Ш., & Федотов, Д. Н. (2021). Особенности гистологического строения яичника у кур-молодок. *In научное обеспечение животноводства Сибири* (pp. 466-467).
- 53.Ярмолевич, В. А., Юнусов, Х. Б., Федотов, Д. Н., Даминов, А. С., Дилмуродов, Н. Б., & Кулиев, Б. А. (2020). Морфофункциональная характеристика вымени у коров различной продуктивности.